

Мусулмонлар, уларнинг байрамлари ва кўнгил ҳушликлари



12:43 / 14.06.2018 7126

Мусулмонлар орасида, ҳамда мусулмон бўлмаганлар орасида, Ислом дини байрамларни қай тарзда ўтказишни талқин этиши ҳақида, нотўғри фикрлар юради. Баъзи бир мусулмонлар, байрам қилиш мутлақ кераксиз иш, сабаби бу дунё вақтинчалик дунё бўлиб, фақат синов учунгина келганмиз, кўнгил ҳушлик учун эмас, деб, эътироф этадилар. Фақатгина Охиратдаги ҳаётимизни ўйлашимиз ўринли, шунинг учун, бу дунёда ҳурсандчиликка сабаб топган ҳар бир инсон қаттиқ адашади.

Бундай фикр – бу бунёдаги ҳаёт ҳақида нотўғри талқин қилинишнинг оқибатидан келиб чиққан бўлиб, Ислом дини тушунчасидан ҳам тубдан фарқ қилади.

Дарҳақиқат, Қудратли Аллоҳ бу ҳаётни ҳаммамиз учун, синов майдони этиб яратди. Синов эса, Яратган биз учун ато этган, бу дунё неъматларидан қандай қилиб фойдаланишимиздан иборатдир. Бизга Меҳрибон Аллоҳдан ёғилган ҳайру-баракаси учун, хурсанд ва бахтиёрлигимизга миннатдорчилик билдиришимиз, табиий эмасми?

Шундай экан, бахтимизни ифодалашимизнинг ўзига яраша равишда бўлиши, назарда тутилган эмасми? Хурсандчиликни ифодаси ила, биз, Яратганга ўз миннатдорчилигимизни билдирар эканмиз, бу йўл орқали, Аллоҳга бандачилик мутелигимиз борлигини, Ўзининг панд-насиҳатисиз, раҳм-шавқатисиз ожизлигимизни намоиш этамиз.

Машҳур олими доктор Юсуф Қарзовий ёзади:

“Кулгу ва хурсандчилик – булар инсоннинг туғма ҳиссиётларидир ва Ислом дини, инсониятни яккахудоликка тарғибот этар экан, бу табиий ҳиссиётни ифодалашни таъқиқламайди. Аксинча, у ҳузур-ҳаловатни қўллаб-қувватлайди. Мусулмон ўзида, ҳар нарсани қора рангда кўрувчи, салбий шахсни эмас, балки, ижобий ва оптимист бўлган шахсни тарбиялаши керак. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга ибратдирлар. Ўзларининг жуда катта масъулиятларига қарамай, у зот ҳар доим ҳазилга вақт топар эдилар ва ҳазилларига ҳам ёлғон аралаштирмаганлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, ўз саҳобалари билан, ҳар қандай вазиятда, шод-хуррамлик ва ҳазил қилар эдилар. Ҳамда шу билан бирга, уларнинг қайғуларига ҳам шерик бўлардилар”.

Ислом – бу борлигимизни ўз ичига олган, мутлақо намунавий турмуш тарзини ифодаловчи дин эканлигини, эсимиздан чиқазмаслигимиз керак. Энг асосийси, у ҳаётимизга катта хурсандчилик олиб кирувчи дин эканлигини, дунёга кўрсатишимиз зарур.

Аслида, Ислом, Буюк Қудрат Эгасининг ҳиммати ва марҳаматига катта умид бағишлайдиган диндир. Гоҳида бошимизга тушаётган синов ва бахтсизликларга келсак, уларни бартараф қилиш йўлини, Аллоҳ Таоло бизларга кўрсатиб қўйган.

Ислом жуда гўзал дин эканлигини эсимиздан чиқармаслигимиз ва буни бутун дунёга, ўз нутқимиз, ҳатти-ҳаракатимиз ва хулқ-атворимиз ила намоён эмоғимиз даркор. Шу билан биргаликда, Аллоҳ Таоло ва Унинг Расули белгилаган чегарадан чиқмасликка ҳаракат қилмоғимиз керак.

Шундай қилиб, Ислом - бу ҳурсандчиликни бебошлик ила байрам қилиш дегани эмас. Чегарадан чиқиб, одоб ва ахлоққа зид, бемаънилик ила байрам қилишни Ислом дини ман этади. Байрам қилар эканмиз, ҳалоллик ила байрам қилиб, ҳаромдан чегараланишимиз керак.

Исломда байрам ҳам, бир ибодатдир. Чунки, бу байрамлар, Аллоҳ Таоло ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўғитлари билан уюштирилган. Шу сабаб, байрам вақтларида ҳам ибодатлар тўхтатилмайди. Мўмин, беш вақт намозни муҳофаза этиши ва унга юклатилган барча диний фарзларини мукамал бажариши керак. Мусулмоннинг ҳаётининг ҳар лаҳзаси, ҳатто байрамлари ҳам, Аллоҳ Таолога бағишланган бўлиши керак. Мусулмон ҳеч қачон бебошларча байрамона кайфиятга берилиб, Ислом дини чегарасидан чиқмаслиги керак.

Мусулмон бир дақиқага ҳам Аллоҳни ва ўзини эсидан чиқармаслиги керак. Шу вақтнинг ўзида, Аллоҳнинг кўрсатган марҳаматларига, Унинг белгилаган чегарасидан чиқмаган ҳолда, ҳурсандчилик қилиши мумкин. Яъни, бу дунё неъматларидан фойдаланар экан, унинг ҳатти-ҳаракати, Аллоҳ тақводорлар учун тайёрлаб қўйган, у дунёдаги ҳақиқий уйига олиб боровчи ҳаракат бўлиши керак.

Қудратли Аллоҳ амр этади: **“Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни изла, бу дунёдаги насибангни ҳам унутма. Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил. Ер юзида бузғунчиликни истама. Албатта, Аллоҳ бузғунчиликни суймас”**. (“Қасос” сураси, 77-оят).

Бу дегани, бошқа ишлар каби, байрамларга ҳам масъулият ила ёндашиш керак. Шунда, ташқаридан қараганда ва ҳатто мусулмон бўлмаганлар учун ҳам, бу байрам савлатли ва гўзал кўринади.

Юқоридаги айтилганларнинг маъносидан келиб чиқадикки, мусулмонларга кўнгил ҳушлик борасида, бошқаларга тақлид қилиш жоиз эмас. Ҳатто “кўнгил ҳушлик” деган иборанинг ўзи, ҳозирги кунда, кўпинча, ножўя йўл билан ҳузурланиш маъносини келтириб чиқаради. Мусулмоннинг ҳузур-ҳаловат олиши учун эса, ҳалоллик, поклик ила эришишига барча имконияти бор.

Улар, ҳозирда таклиф қилинадиган кечки клублар, қимор ва кўнгил очиш уйларида тубдан фарқ қилади. Мусулмонга кўнглини кўтарадиган, ҳузур-ҳаловат ва бахт ҳиссини бағишлайдиган – бу Исломдир. Ундан ташқари,

муслмон, табиий Ислон ҳаёт турмуш тарзини кечирар экан, ўзини қулай ва бекаму кўст ҳис қилади.

Ислон мўминларга, ҳурсандчилик учун икки сабаб, икки байрамни таклиф қилади: Ийд ал-Фитр ва Ийд ал-Адҳа.

Муслмонларнинг бу икки байрамлари – умумий ҳурсандчилик учун сабаб, ҳамда, Қудрат Эгаси, Аллоҳ Таолонинг иродасига тўла-тўкис бўйсунуш ва руҳий уйғониш кунларидир.